
Ёшлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Қува тумани 4-сектор ҳудудидаги Тахтақўприк маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги жамоатчилик саломатлиги техникуми биносида ўқувчи талаба ёшлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Учрашувда Қува тумани ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари Ойбек Баннопов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува туманидаги Халқ қабулхонаси мудирини Муродилжон Мўйдинов, Фавқулотта вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник Русланбек Ўрмонов, Қува тумани Фавқулотта вазиятлар бўлими бошлиғи майор Жасурбек Ҳолматов ҳамда тумани бўлими ходимлари иштирок этдилар.

Самимий ва очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшларга соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоб олдилар.

Шунингдек учрашув давомида ёшлар томонидан билдирилган 11 та мурожаатлар сектор раҳбари томонидан кўриб чиқилди. Билдирилган мурожаатларнинг 6 таси тегишли масъулларни жалб этган ҳолда жойида ижобий ҳал этилиб, қолган 5 та мурожаатлар юзасидан белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.

2022-11-29 19:16:05